

## Янги Зеландиядаги қатлиом учун юқори даражада тергов ишлари олиб борилади



10:30 / 26.03.2019 2504

Янги Зеландия Бош вазири Жасинда Ардерн яқинда Крайстчерч шаҳридаги икки масжида содир этилган террор ҳужум бўйича махсус хизмат ва полиция қотилликнинг олдини олиши мумкинлигига аниқлик киритиш мақсадида юқори даражадаги мустақил суд тергови ўтказишга буюрди, деб хабар беради AP.

– Янги Зеландияликлар ва мусулмон жамоалари дунёда бугун мудҳиш воқеани алам билан ёдга олиб, бир-бирларига ҳамдардлик изҳор этарканлар, «қандай қилиб бу террорчилик ҳаракати бу ерда содир этилди?» деб сўрашга ҳақлидирлар, – деди Жасинда Ардерн пойтахт Веллингтондаги парламент биносида журналистларга берган интервьюсида. – Бу террорчилик ҳаракати қандай содир этилгани ва уни

тўхтатиш бўйича қандай имкониятларимиз борлиги бўйича ҳамма нарсани бирма-бир назоратдан ўтказмоқдамиз. Шунингдек, Бош вазир мустақил суд тергови бу террорчиликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш билан бирга, бу каби жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланадиган агентлик фаолиятига ҳам тегишли баҳо беришини маълум қилган.

Умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилиши кутилаётган Крайстчерче масжидидаги террорчилик ҳаракатида айбланаётган 28 ёшли Бертон Таррант 5 апрель куни навбатдаги маҳкамага олиб борилади.

***Islom.uz***